

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАКИРОВА САНОАТХОН ХОМДОМОВНА

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ҚУМЛИКЛАРИНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ,
АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ, ГЕНЕЗИСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.03 – Агротупроқшунослик ва агрофизика

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Закирова Саноатхон Хомдомовна

Марказий Фарғона кумликларининг агрофизикавий, агрокимёвий
хоссалари, генезиси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг
илмий асослари 3

Закирова Саноатхон Хомдомовна

Научные основы генезиса, агрофизических и агрохимических свойств,
повышения производительной способности песков Центральной
Ферганы 27

Zakirova Sanoatkhon Khomdomovna

Scientific foundations of genesis, agrophysical and agrochemical
properties, increasing the productive capacity of the sands of Central
Fergana 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАКИРОВА САНОАТХОН ХОМДОМОВНА

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ҚУМЛИКЛАРИНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ,
АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ, ГЕНЕЗИСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.03 – Агротупроқшунослик ва агрофизика

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Qx8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупрокшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Юлдашев Гулом**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қурвонтоев Раҳмонтой**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Абдуллаев Анвар Хайдарович
биология фанлари доктори

Исашов Анваржон
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупрокшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ____:____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

Диссертацияси билан Тупрокшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-русурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Қ.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё умумий ер майдонининг 11 фоизи ёки 14,5 млн. км квадрати ишлаб чиқаришга яроқли ерлар ҳисобланади¹. Дунё бўйича қумли ер майдонлари эса АҚШда 492 минг га, Хитойда 270 минг га, Австралияда 400 минг га, Саудия Арабистонида 233 минг га, Аргентина ва Чилида 673 минг га ни ташкил этади. Асосий қумли массивлар Туркманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон Республикаларида 300 минг га майдонда жойлашган. Марказий Осиёнинг қумли саҳролари 38 миллион гектар ёки умумий майдонга нисбатан 38,2% ни эгаллайди². Бугунги кунда мавжуд мелиоратив ҳолати ёмонлашган, унумдорлиги паст бўлган қумли майдонларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида Исроил, Миср, Хитой каби давлатларда ишлаб чиқариш самарадорлиги жуда паст бўлган қумли ерларга қўшимча озика бериш йўли билан пахта ҳосилдорлигини гектарига 32-40 центнер олиш имконияти яратилмоқда. Бундан ташқари, турли агротехнологик тадбирларни қумли ва қумлоқли ерларга қўллаш орқали озика моддалар билан бойитиш, унумдорлигини тиклаш ва оширишга қаратилган инновацион технологиялар қўлланилмоқда. Унумдорлиги паст, шамол эрозиясига чалинган қумликлар, қум барханлар, қум қаторларини шамол таъсиридан муҳофаза қилиш, бундай ерларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва суғориш шароитида юқори сифатли пахта ва буғдой экинлари ҳосилдорлигини оширишда табиий ва сунъий экранларда турли ўғитларни (N, P, K, маҳаллий ўғит-гўнг, лигнин) мутаносиб нисбатларда қулай муддат, меъёр ва усулларда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш агротупроқшунослик ва агрофизика, пахтачилик ва дончилик соҳаларининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Республикамызда мустақиллик йилларида суғориладиган қумли ва қумлоқли ерлардан самарали фойдаланиш ва ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида қумли ва қумлоқли ерлардан, хусусан Марказий Фарғона ерларининг ҳар гектаридан қўшимча 2-3 центнер пахта хом ашёси ва 4-6 центнер буғдой ҳосили олинишига эришилди. Шу билан биргаликда, мелиоратив ҳолати оғир бўлган қумли ва қумлоқли ерларнинг генезиси, уларнинг морфогенетик хосса-хусусиятларини аниқлаш, эрозия жараёнларини олдини олишга қаратилган мақбул агротехнологияларни ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий

¹ <http://www.ipe.org.cn>

² <http://uza.uz>

агротехнологияларни жорий этиш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада унумсиз, қийин мелиорацияланадиган қумли ерларни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПФ-4533-сон «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Қум тепаликлар, барханлар, текисланган қумликлардан самарали фойдаланиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: United States Department of Agriculture (АҚШ), China National Environmental Monitoring Center (Хитой), University Tsukuba, University Kyoto (Япония), Anaisda Academia Brasil Global Forum of Agricultural Research (GFAK), Ofarrell P.J. QDPI research at Cashews Australia, International Center for Biosaline Agriculture (ICBA), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) ҳамда В.В.Докучаев номли Тупроқшунослик институти (Россия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тупроқ мониторинги ва унумдорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: қолматажлаш, қумликларни томчилатиб суғоришда ўғитлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas - ICARDA, QDPI research at Cashews Australia, Докучаев номли тупроқшунослик институти, Россия); текисланган қумликларни унумдорлиги иқлим ўзгаришига боғлиқлиги аниқланган (Global Environment Facility); эрозиядан сақлаш ва унумдорлигини оширишда ўсимликлардан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган (Global forum of Agricultural Research), қумли майдонларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик ва биологик хоссаларини ҳамда мелиоратив ҳолатини яхшилаш услублари ишлаб чиқилган (United States Department of Agriculture, China National Environmental Monitoring Center, University Tsukuba, University Kyoto).

³ <https://www.usda.gov>; www.chinacp.org; <http://www.tsukuba.ac.jp>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/ja>; <http://www.scielo.br>; <https://rirdc.infoservices.com>; <http://www.biosaline.org>; <http://www.icarda.org>; <http://esoil.ru>;

Дунёда кумликларнинг хоссалари, генезиси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кумликлар ва кум барханларини шамол эрозиясидан сақлаш; кумли тупроқлар агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларини, ишлаб чиқариш самарадорлигини яхшилаш; кумли ва кумлоқли тупроқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи агротехнологияларни такомиллаштиришда оралиқ экинлардан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш; кумли ерлардан фойдаланишда ресурс ва энергиятежамкор, иқтисодий самарали технологиялар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Фарғона кумликларининг агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари, генезиси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалар қуйидаги муаллифлар томонидан ўрганилган: А.Бараев, П.Беседин, Қ.Мирзажонов, Н.Беспалов, К.Блэк, А.Гаел, В.Гуссак, Ш.Нурматов, Л.Ғофурова, М.Панков, А.Рамазанов, С.Рыжов, Т.Якубов, S.Yimprosert ва бошқалар. Шамол эрозияси механизми М.А.Соколов, Қ.Мирзажоновлар томонидан ўрганилган бўлса, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида шамолнинг ўрни В.В.Докучаев ишларида ўз аксини топган. Чўл минтақасида шамол эрозиясини тадқиқ этишда Гассен Э.Ф., Nagawiecka H., Chodreti M., Knott P., Peric X., Herseni C. ва бошқаларни ишлари катта аҳамият касб этади.

Чоп этилган адабиётларни таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон олимлари томонидан кумли тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари, шамол эрозияси тарқалишининг асосий ўлчамлари ўрганилган бўлиб, унга қарши курашиш йўллари аниқланган ва асосий тадбирлар синовдан ўтказилган. Аммо кумли тупроқлар агрофизикавий хосса-хусусиятларини яхшилаш, унумдорлигини тиклаш ва ошириш бўйича алоҳида илмий-амалий ечимга эга бўлган ресурстежовчи агротехнологик усул, яъни табиий ва сунъий экранлар шароитида турли ўғитларнинг (N, P, K, маҳаллий ўғит-гўнг, лигнин) мутаносиб нисбатларда, қулай муддат, меъёр ва усулларда қўллаш технологияси бўйича изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-445 «Фарғона вилояти суғориладиган тупроқларининг генетик-географик шаклланиш қонуниятлари тадқиқ этиш, Ер фонди динамикаси ва характеристикаси» (1996-2008 йй.); ПСУЕИТИ ва ICARDA ҳамкорлигида ҚХА-7-026 «Қум тепаликлари ва барханлар текисланиб, экин экиладиган ерларда шамол эрозиясига қарши кураш, оптимал сув режимини ишлаб чиқиш» (2009-2012 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Фарғона кумликларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва эрозиядан сақлаш технологияларини

такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашнинг янги агротехнологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Фарғонанинг қум қаторлари дўнг қум барханли ерлари географияси ва генезисини ёритиб бериш ва тупроқлар юзасини қоплайдиган қумларнинг морфологик тузилишини аниқлаш;

сунъий ва табиий экранлар ташкил қилиш йўли билан текисланган қумларни мелиоратив ҳолатини, айрим агрокимёвий, физикавий, сув-физик хусусиятларини аниқлаш;

ғўза ва буғдойнинг бир меъёрга ўсиши ва ривожланишига имкон берадиган қумларни мелиоратив, сув-ўғит режимини махсус экранларни ташкил қилиш усули билан яхшилаш;

юқори сифатли пахта ва буғдойдан режалаштирилган ҳосил олиш учун қулай бўлган шароит яратиш, қумларни сув-физик, озиқа режимини янада яхшилайдиган сунъий ва табиий экранларни ҳосил қилишни баҳолаш;

минерал ва органик ўғитларни энг қулай меъёрини қўллаш йўли билан Марказий Фарғонанинг дефляцияга учраган қум-барханларида ғўза ва кузги буғдойни етиштиришда уларнинг самарадорлигини ошириш;

ғўза ва буғдой экинларини текисланган дўнг-барханли қумларда етиштиришда ўғитлар меъёри ва уларни солиш чуқурлигини қўллашнинг истиқболли вариантини белгилаш;

ҳар хил чуқурликда жойлашган экранли қумли ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўғитлашнинг самарали усуллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Фарғонанинг Қўштепа ва Ёзёвон туманлари ҳудудида 80,0 минг гектар майдонда тарқалган текисланган дўнг ва барханли қумликлар, сунъий ва табиий экран ҳамда С-6524 ғўза ва Половчанка буғдой навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Азот, фосфор ва калийнинг ялпи ва ўзлаштирилувчи шакллари, маҳаллий ўғит-гўнг, лигнин ва зовур чиқинди тупроқларини қўллаш муддати, меъёри ва усули, озиқ моддалар миқдори ва уларнинг ғўза ва бошоқли (буғдой ва жавдар) экинлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишлар Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтида қабул қилинган «Пахта майдонларида тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари», «Ќўза бўйича дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» каби услублар асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Р.Қ.Қўзиев, Ғ.Юлдашевларнинг ЭХМ лар учун тузилган дастури асосида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор табиий экранли қумли майдонларда жавдар ўсимлиги поясини 14-15 см қолдирилиши натижасида уларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари яхшиланганлиги ҳамда озиқа режими бойиганлиги исботланган;

минерал ва органик ўғитларни энг самарали меъёрини қўлланганда дефляция таъсирида бўлган дўнг-барханли, қумли ерларда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларнинг ҳосилдорлиги яхшиланиши аниқланган;

табiiй ва сунъiiй экранларни ҳосил қилиш орқали қумли ерларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ва сув тежовчи технология ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликлари пахта майдонларида табiiй экран ҳосил қилиниши натижасида кўсакларни 3-4 кунга эрта очилиши аниқланган;

атроф муҳит экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар орқали зовур ва ариқ чиқиндиларидан фойдаланиш агротехнологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Дала ва лаборатория текширув натижалари асосида текисланган қумларни физик, сув-физик, агрокимёвий, мелиоратив хусусиятларини яхшилашни ва экрани бўлмаган майдонлардаги 18 ц/га олиб қараганда пахтани 39 ц/га олишини таъминлайдиган дўнг-барханли текисланган қумларда табiiй экранни юзага келтириб энг қулай йўллари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

Қаттиқ тупроқнинг устига қумни текислаш орқали, ғўзани шамол зараридан ҳимоялаш учун қумлар ўзлаштирилган жойларда кўзланган ҳосил олишга имкон яратадиган махсус агротехника, жавдар экинларини экиш ва парвариш қилиш ҳамда уларни апрель ойида 14-15 см поясини қолдирган ҳолда қалинлиги 170-200 дона/м² қолдириш, гуллаш фазасида йиғиштириб олишни ташкил қилиш самарадорликни таъминлаган.

Табiiй экранни ташкиллаш масаласи бўйича иқтисодий самарадорлик бир йилга соф даромад 128572 сўм/га, 2 ва 3 йилларда ўртача 286741 сўм/га, рентабеллик эса 26,8% ни ташкил қилган. Текисланган қумларда ғўза ҳосилдорлигини ошириш масаласи бўйича 200 кг/га азот, 140 кг/га фосфор, 100 кг/га калий + 40 т/га гўнгни қўллашлар натижасида соф даромад 185817 сўм/га, рентабеллик 17,2%, 60 т/га лигнин эса 110797 сўм/га, рентабеллик 10,8% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган кўп йиллик лаборатория ва дала тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ҳамда нашр этилган услубий кўрсатмалар асосида бажарилганлиги, олинган маълумотлар кўп омилли компьютер дастури ва математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ҳисоб қилинганлиги, шунингдек, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар жорий қилинганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Марказий Фарғона қум-қаторларини географик тарқалиши, генезиси ва морфологияси аниқланганлиги, табiiй экран орқали сув, озиқа режимларини яхшиланиши билан, намлик ҳажмини

ортиши эвазига озика моддаларнинг ювилиб кетишини камайиши ва суғориш сувининг янада самарали бўлишига имкон бериши, текисланган кумлар шароитида махсус экран яратиб пахта етиштиришда рентабеллик ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўза ва бошқа ҳайдаладиган экинларни экишда шамол эрозиясидан кумнинг юқори қатламини жавдар пояси билан ҳимоялаш зарурлиги, кузги жавдарни йиғиштиришдан кейин уни 14-15 см баландликда, 170-200 дона/м² қалинлиги билан қолдириш аниқланганлиги, текислаш даврида оғир механик таркибга эга ерлар устидаги кум қатлами 50-75 смдан ошмаслиги ҳамда текисланган кумларда чиринди (0,1%), нитратли азот (1,6 мг/кг), ҳаракатчан фосфор (1,4 мг/кг) ва алмашинувчи калий (50 мг/кг) миқдори жуда паст, шунинг учун текисланган кумларда ғўза яхшироқ ўсиши ва ривожланишига азотни 200, фосфорни 140, калий 100 кг/га+40 т/га гўнг ёки 60 т/га лигнинни биргаликда солишга тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Фарғона кумликларининг агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари, генезиси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Марказий Фарғона кумли ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган «Кум тепалик ва барханларни текислаб, экин экиладиган ҳудудларда шамол эрозиясига қарши кураш, сув тежовчи тартибларни яратиш тўғрисида инструктив кўрсатма» Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (24.03.2011 й.) тасдиқланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 3 июлдаги 02/20-393-сон маълумотномаси). Ушбу инструктив кўрсатма Марказий Фарғона ҳудудидаги фермер хўжаликлари кумли ерларидан самарали фойдаланишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

кум барханлари 50 ва 70 см чуқурликкача текисланиб табиий экран яратиш агротехнологияси Фарғона вилоятининг Ёзёвон ва Қўштепа туманлари фермер хўжаликларининг 2,0 минг гектар экин майдонларига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 3 июлдаги 02/20-393-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва сув физик хоссалари яхшиланган, ғўзадан ҳар гектарига 3,0–4,0 центнер қўшимча ҳосил олишга эришилган;

кумликларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари уларнинг генезисини тавсифлаш бўйича «Тупроқ муҳофазаси» дарслиги олий ўқув юртларининг 5110400 – биология ўқитиш методикаси, 5110500 – География ўқитиш методикаси, 5410500 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси ҳамда 5211500 – Геодезия, картография таълим мутахассисликларига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Тупроқшунослик» ва «Экология» фанларини ўқитиш сифатини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари Фарғона давлат университети ҳамда ПСУЕИТ институтининг ҳар йилги махсус комиссияси томонидан муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро анжуманларда (Туркманистоннинг Ашхабад шаҳрида, 2000 йил, Россиянинг Краснодар шаҳрида, 2015 йил), 17 та республика илмий-амалий анжуманларида (Фарғона, 2007-2017, Тошкент, 2007-2017, Наманган, 2014), иккита илмий семинарларда ҳамда университет “Тупроқшунослик” кафедрасининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида тингланиб, муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та ўқув дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда илмий ишлар чоп этилган, 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қумли ерларни ўрганиш тарихига оид қисқача шарҳ”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили берилган бўлиб, унда Ўзбекистон ва чет эл олимлари ишлари батафсил баён қилинган ва таҳлилий ёндашилган. Таҳлил негизида Докучаевнинг тупроқ ҳосил бўлишида шамолнинг роли келтирилган. Шу билан бирга ердан нотўғри фойдаланишда эрозия жараёнининг ривожланиши ёритилган. Табиий ва сунъий экранларининг чуқурлигининг ғўза ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига таъсири келтирилган. Бу ҳолатлар Марказий Фарғона текисланган қум барханларида ўз ўрнини топган. Шу билан бирга Марказий Фарғонанинг текисланган қум барханларида ғўза ва буғдойни ўғитлаш ва маҳсулдорлигини ошириш масалалари кўрилган.

Диссертациянинг **“Тупроқ ва иқлим шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида Сирдарёнинг чап қирғоғидаги иккинчи терасса катта майдонини Марказий Фарғонанинг қумликлар ва қум барханлари эгаллаганлиги ҳамда унинг тупроқ иқлим шароити, қумликлар генезиси

ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Биринчи бўлиб Фарғона водийси тупроқларининг ўрганилиши С.С.Неуструев, М.А.Панков, Б.В.Горбунов, Қ.Мирзажонов, П.Н.Беседин ва бошқаларнинг ишларидан кузатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда жуда катта ерлар илгари дўнг, дўнг-барханли ва дўнг қаторли қумлар массивлари ўзлаштирилган. Шунинг учун даҳалар масшбада ушбу майдондаги қумларнинг тупроқлар қоплами уни ўзлаштирилгандан сўнг жуда хилма-хил ўзгарган.

Механик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, текисланган қумлар асосан (54-70%) ва майда (6-19%) диаметрли фракциялардан ташкил топган ва лойқа фракциялар кўп эмас. Фақат қум остидаги қатламлар (155-200 см ва ундан пастроқ) устки қатламлардан фарқ қилади. Бу ерда йирик чанг 14-45% ташкил топган, жуда майда фракциялар кўп эмас. Ушбу қумлар орасидан суғориш сувлари «провал» тарзида ўтади, ҳосил етиштиришда тез-тез суғоришни талаб қилади, чунки қумларнинг сувни ушлаб туриш қобилияти паст.

Сувда эриган тузларнинг миқдори бўйича қумлар қулайроқ шароитда кучсиз шўрланган ёки шўрланмаган (хлор 0,001-0,002%), айрим ҳолларда ўртача шўрланган тупроқлар категориясига киради, анионлар орасида SO_4 (0,290-0,710%) устун келади, катионлар орасида – Са ва Mg. Қуруқ қолдиқ энг юқори (0,94%) механик таркиби бўйича оғир тупроқ қатлами бор бўлган жойда бўлади, илдиз ўсувчи қатлам (ғўза назарда тутилмоқда) деярли шўрланмаган, чунки ушбу даражадаги шўрланиш сульфатли ғўзанинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун деярли зарарли эмас. Олинган тупроқлар озика элементлари миқдори бўйича ўртача ёки паст таъминланган. Азот 36 мг/кг, фосфор 44 мг/кг ва калий 220 мг/кг эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Лаборатория ва дала тажрибасининг услубиёти”** деб номланган учинчи бобида дала тажрибалари ва лаборатория тадқиқотлари Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти усуллари (1968, 1973 й) асосида олиб борилганлиги келтирилган.

Қумлардан озика моддаларнинг ювилишини олдини олиш, қумларнинг сув режимини яхшилаш мақсадида лаборатория шароитида майда тупроқли сунъий экраннинг таъсири ўрганилган (коллектор-зовур тизими чиқиндилари). Ушбу бобда дала ва лаборатория тадқиқотлари Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти усулларида (1968, 1973 й.) олиб борилганлиги келтирилган.

Лаборатория шароитида қумларнинг озика элементларини ювиб кетилишини тўхтатиш, қумларнинг сув режимини яхшилаш мақсадида диаметри 4,5 см, узунлиги 1 м бўлган полиэтилен трубкаларда сунъий экран 40 ва 70 см чуқурликда, 8 см қалинликда ташкил қилинган. Қувурга 1,8 кг қум ва 0,2 кг майда тупроқ жойлаштирилган.

Тажриба 3-қайтаришда қуйидаги схема бўйича олиб борилган:

1-вариант: 16 см чуқурликка ўғитларни солиш - назорат;

2-вариант: 25-30 см чуқурликка ўғитларни солиш - назорат;

3-вариант: 16 см чуқурликка ўғитларни солишда 40 см чуқурликда экран ҳосил қилинди;

4-вариант: 25-30 см га ўғитларни солишда 40 см чуқурликда экран ҳосил қилинди;

5-вариант: 16 см га ўғитларни солишда 70 см чуқурликда экран ҳосил қилинди;

6-вариант: 25-30 см га ўғитларни солишда 70 см чуқурликда экран ҳосил қилинди;

500 мл дан уч марта сув берилди – биринчи, учинчи ва олтинчи кунларда, яъни ҳаммаси бўлиб суғоришга 1500 мл сув сарфланди.

Тўлдириш вақтида аммиак селитраси (34%), суперфосфат (20%) ва хлорли калий (50%) кўринишидаги ўғитлар берилди.

Сунъий экранни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиб чиқиш учун 1998 йил баҳорида тажриба қўйилди ва тадқиқотлар 1999-2000 йилларда давом эттирилди. Биринчи тажриба схемаси қуйидагича:

1-вариант – назорат. Текисланган қум қатлами 2 м дан кўпроқ; 2-вариант – 400 т/га миқдорида коллектор зовур тармоғи чиқиндиларини солиш; 3-вариант – худди шу 600 т/га миқдорида; 4-вариант – худди шу 800 т/га миқдорида; бешинчи вариант – худди шу 1000 т/га миқдорида.

Ер ҳайдаш ишлари плантажли плуг ёрдамида амалга оширилган. Майда тупроқнинг худди шу миқдорларидан фойдаланиб 70 см чуқурликда экран ташкил қилинди.

Тажрибалар майдони 10х3,6 м, 24 м² ҳисобида. Тажриба қайтарилиши уч марта. Ўғитларнинг йиллик миқдори N₃₅₀, P₂₅₀, K₁₇₀ кг/га, ўғитларни бериш ҳўжаликда қўлланиладиган усул билан.

2-тажриба грунт табиий жойлашган майдонда қўйилган (грунт 0-110 (130); 0-90(110); 0-70(90); 0-50(75) см чуқурликда ётади), қум қатлами қалинлиги жойларда 130 см гача етади. Тадқиқотлар 1995 ва 1996 йилларда давом эттирилди. Тажрибада С–6524 ғўза нави экилди. Аниқ текислашдан сўнг дефляциядан (шамолдан) қумларни ҳимоялаш мақсадида жавдарни экиш билан бир вақтда суғориш учун эгатлар олинди, бунинг учун махсус экиш сеялкадан фойдаланилди (1-жадвал).

Навбатдаги дала тажрибаси 4 такрорийликда. Вариантлар шакли чўзилган, уларнинг эни тўрт қаторли сеялканинг икки юришини ташкил қилди, бу эса 60 см ли қаторорасида 4,8 м ни ташкил қилади. Вариантлар умумий майдон 240 м² (4,8х50 м) ни ташкил қилди. Ҳисобга олинган майдон 96 м². Тажриба қаторлари 4 ярусда, яруслар орасидаги оралик 10 м. Шу билан бирга ҳар бир ярус учун оқиб кирувчи ва чиқувчи ўқ ариқлар олинган.

Тажрибанинг қайтарилиши 4 такрорийликда, ўғитларни тажриба схемасига биноан асосий ишлов беришда лигнинни РОУ-5, органик ўғитларини сепувчи аппарати ёрдамида, фосфор ва калий ўғитларни ККУ – 2,4 маркали культиватор – ўғитлагич ёрдамида ва кейинчалик 35-40 см чуқурлигига ПН-3-35 маркали икки ярусли плуг ёрдамида солинди. Экишда ўғитлар 10-12 см чуқурликка, экин экиладиган йўлдан 5-7 см ён томонда солинган.

1-жадвал

Тажриба тизими

Қумнинг ҳисобий қатлам қалинлиги, см	Тартиби	Йиллик миқдори, кг/га		
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O
Контур I 0-110 (130)	1	250	150	170
	2	250	200	170
	3	350	200	170
	4	350	250	170
Контур II 0-90 (100)	1	250	150	170
	2	250	200	170
	3	350	200	170
	4	350	250	170
Контур III 0-70 (90)	1	250	150	170
	2	250	200	170
	3	350	200	170
	4	350	250	170
Контур IV 0-50 (75)	1	250	150	170
	2	250	200	170
	3	350	200	170
	4	350	250	170

2-4 чинбарг чиқарганда ўғитларни қаторнинг ён тарафидан 15-18 см да, шоналаш бошланишида ва шоналашда 20-22 см да, гуллаш бошида, гуллашда ва кўсак ҳосил қилишнинг бошида қаторорасининг ўртасига. Вегетация даврида барча келтирилган муддатларда ўғитларни суғориш эгатидан 3-4 см чуқурликка берилган.

Тажриба пахтанинг С-6524 навида олиб борилди. Экиш эгатнинг тубига 14-15 см баландликда кузги жавдарнинг пояси қолдирилган ҳолда, дефляцияга қарши ҳимоялаш шароитида ўтказилди. Экин экишда эгат олиш учун СТХ-4 сеялка мосламасидан фойдаланилди (Пахтачилик бўйича ГСКБ конструкцияси). Эгат чуқурлиги 8-10 см.

Вегетацион тажриба руҳланган Вагнер идишларида, тажриба қўйилган майдоннинг хайдалма қатламидан (0-30 см) олинган ҳаво куруқлигидаги, ҳажми 26 кг бўлган тупроқларда қўйилди (2-жадвал).

Ўсув даврида азот, фосфор ва калийни ўзгарувчан шакллариининг динамикасини ўрганиш мақсадида ғўза ривожланиши давлари бўйича 0-30, 30-50, 50-75, 75-100 см қатламлардан тупроқ намуналари олинди.

2-жадвал

Тажриба тизими

Вариантлар	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Гўнг ва лигнин меъёри, т/га	Экишдан аввал, кг/га		Экиш билан, кг/га		2-4 чин барг чиқарганда, кг/га	Шоналашда, кг/га	Гуллаш бошланишида, кг/га		
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O		P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅			N	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	150	105	75	-	85	38	30	20	40	40	40	-	37
2	200	140	100	-	100	50	30	20	50	60	60	20	50
3	250	175	125	-	123	63	30	20	60	60	60	33	62
4	200	140	100	40 т/га гўнг	100	50	30	20	50	60	60	20	50
5	200	140	100	60 т/га лигнин	100	50	30	20	50	60	60	20	50

Эслатма: 40 т гўнг ва 60 т лигнин ҳайдов остига солинган.
Ҳосил туғишидан олдин 3 вариантда 40 кг/га азот берилган.

Ўсимлик намуналари таҳлили учун 2-4 чинбарг чиқарганда шоналаш, гуллаш ва ўсув даври охирида олинди.

Пахтанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар ЎзПИТИнинг “Пахтада дала ва вегетацион тажриба қўйиш усули” (1973 й.) ва “Пахтада дала тажрибалари усули” (1981) асосида олиб борилди.

Тупроқнинг агрофизик хоссаларини аниқлаш: а) қум намлигини суғоришгача, суғоришдан сўнг 3, 6, 9 кунларда, ҳар 10 см дан кейин 70 см чуқурликда гуллашгача, гуллаш вақти ва мева тугиш вақтида 1,5 м дан намуна олиб қуритиш йўли билан аниқланди, б) сув ўтказувчанлик, в) қумнинг дала нам сифими, г) қумнинг ҳажм оғирлиги, е) капилляр намлиги ва бошқалар доимий усуллар билан амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Марказий Фарғона дўнг-барханли қумликлар шароитида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига сунъий ва табиий экранлар чуқурлигининг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида лаборатория шароитида тупроқни механик таркиби, туз таркиби, чиринди, азот, фосфор, CO_2 – карбонатлари ва калий миқдори аниқланди.

Октябрнинг биринчи ўн кунлигида экинни 10-12 см юмшатиб гектарига 170 кг ҳисобида буғдой экилди. Экишдан сўнг енгил суғорилди. Февраль охирида қор аралаш ҳолатдаги буғдой аммиакли ўғит билан меъёрга мувофиқ озиклантирилди. Фосфорли ўғитлар 105 кг/га меъёрга экиш билан бирга берилди. Гектарига 700-800 м³/га меъёр асосида 6-7 марта суғорилди.

Аммиакли селитра (34% N), аммофос (11% N, 46% P_2O_5), калий хлорид (56% K_2O) каби минерал ўғитлардан фойдаланилди. Калийли ва фосфорли ўғитларнинг бир қисми кузги шудгорга, қолгани эса экиш билан бирга ерга солинади. Фенологик кузатишлар «Методика Государственного Сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (Москва, 1964) асосида олиб борилди.

Озикланиш режимини ўрганиш мақсадида тажриба вариантларидан суғоришдан олдин ва суғоришдан кейин 3, 6, 9 кунларда тупроқ намуналари олинди (3-жадвал). Озиқа элементларини ювилиб кетишини ўрганиш учун сувдан намуналар олинган ва тадқиқ қилинди. Тупроқдаги чиринди миқдори И.В.Тюринь усули билан, умумий азот – Келдаль, нитратлар – Гранвальд-Ляжу (колометрик) усули билан, фосфорнинг ҳаракатчан шакллари Мачигин усули ва калий – Протасов усули бўйича аниқланди.

3-жадвал

Тажриба тизими

Вариантлар	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Озиклантириш даври, кун
	N	P_2O_5	K_2O	
1	0	0	0	
2	120	120	60	11.02; 9.04; 5.05; РК-12.03.03
3	160	160	80	11.02; 9.04; 5.05; РК-12.03.03
4	200	200	100	11.02; 9.04; 5.05; РК-12.03.03

Табиий ва сунъий экранларни қум хоссаларига таъсирига эътибор берадиган бўлсак, назорат вариантыда ҳажм массаси 0-10, 10-20, 20-30, 30-40,

40-50, 50-60, 60-70, 70-80, 80-90, 90-100 см даги қатламларда 1,39; 1,42; 1,50; 1,42; 1,49; 1,49; 1,41; 1,43; 1,42; 1,45 г/см³ ни ташкил қилди. Сунъий экранли қатламда у анча камаяди.

Гектарига 400 т/га майда тупроқ солинганда назоратга қараганда ҳажм массаси – 0,02; 0; 0,01; 0,06; 0,05; 0,02; 0,01; 0,02; 0,02; 0,03 г/см³ га камайди; 600 т/га ни солишда – 0,02, 0, 0,06, 0,07, 0,07, 0,05, 0, 0,01, 0,05 г/см³ га; майда тупроқ меъёри 800 т/га кўпайтиришда ҳисобланган кўрсаткич 0,02, 0, 0,06, 0,08, 0,09, 0,07, 0, 0,03, 0,02, 0,04 г/см³ га камайди; ҳамда 1000 т/га майда тупроқ солинган вариантларда эса – 0,02, 0,02, 0,01, 0,09, 0,09, 0,01, 0, 0,05, 0,02, 0,05 г/см³ га камайди. Шунга яқин қонуният майда тупроқ 70 см чуқурликда солинган вариантларда кузатилди.

Шуни айтиш керакки, майда тупроқ меъёрини кўпайтириш нафақат экран ҳосил қилинган қатламда, балки унинг яқинида жойлашган қатламларида ҳам ҳажм массасини камайтирди. Ҳажм массасига табиий экраннинг таъсирини ўрганиш натижалари 0-10, 10-20, 30-40, 40-50 қатламларида у 1,42-1,52 г/см³ орасида ўзгаришини кўрсатди.

Оғир механик таркибли қаттиқ тупроқ қатламларида сезиларли фарқлар кузатилди. Масалан, 0-110 (130) см чуқурликдаги 50-60, 60-70, 70-80, 90-100 см қатламларда тупроқ ҳажм массаси 1,43, 1,44, 1,44, 1,42, 1,39 г/см³ ни ташкил қилди; тупроқнинг 0-50 (75) см чуқурлигида ётишида эса ушбу кўрсаткич 0,09, 0,15, 0,76, 0,13, 0,15 г/см³ га камроқ бўлди. Бундай тупроқ ҳажм массасининг ўзгариши тупроқнинг механик таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Ҳажм массаси ўзгариши билан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ҳам ўзгаради. Тажриба майдонида сунъий экрансиз назорат вариантыда сув ўтказувчанлик 6 соат мобайнида 15350 м³/га ни ташкил қилди, 1000 т/га майда тупроқ солиниб, 70 см ҳайдалганда у 6026 м³/га гача камайди.

Табиий ҳолатдаги тупроқли тажриба майдонида сув ўтказувчанлик тупроқнинг жойлашиш чуқурлигига тўғридан – тўғри боғлиқдир, кум қатлами қанчалик кўп бўлса, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги шунча юқоридир. Масалан, тупроқ ётиши чуқурлиги 0-110 (130) см бўлганда у 6 соат мобайнида 11758 м³/га ни ташкил қилади, тупроқнинг ётиши 0-50 (75) да эса 5868 м³/га. Бу сувнинг шимилиш тезлигини тупроқлар механик таркибига боғлиқлиги билан тушунтирилади.

Тупроқнинг сунъий қатлами бўлган тажриба майдонида вегетация даврида энг кам намлик назорат вариантыда белгиланган. 0-40 см қатламда тупроқ намлиги ялпи гуллаш даврида суғоришгача 2,64% тенг бўлиб, суғоришдан кейин учинчи куни 7,87; 6-чи куни – 6,18; 9 куни – 3,96% тенг бўлган. Юқори қатламларда намлик кам бўлсада, шундай қонуният сақланиб қолинган. 40 см чуқурлигида ҳайдаш билан 400 т/га майда тупроқ солишда, унинг намлиги 3,70; 11,1; 8,89; 6,82% гача кўтарилди, 1000 т/га киритилганда мос равишда 11,12; 14,86; 12,5; 10,47% ни ташкил қилди.


Намликнинг текис кўтарилиши 40 см ҳайдаш ҳамда 600 ва 800 т/га майда тупроқ солишда белгиланган. Сунъий экранли тажриба майдонида ўсув давридаги энг юқори намлик 70 см чуқурликда ерни ҳайдаш билан 1000

т/га майда тупроқ солишда аниқланди. Ушбу вариантда 60-40 см чуқурликдаги назорат билан таққослаб қараганда 10,55; 15,27; 13,59; 9,94% га кўпайди. Шунингдек, 400, 600 ва 800 т/га майда тупроқни 70 см ли ҳайдашда солиш вариантларида намлик 40 см ли ҳайдалган вариантга қараганда анча юқори бўлиши аниқланди.

Бизнинг яратган сунъий экранимиз тупроқлар нам сиғимига ижобий таъсир кўрсатди. Майда тупроқ солинмаган вариантда дала нам сиғими 0-40 см ли қатламда 4,72% ни ташкил этди, 400 т/га солинганда эса 9,03% гача ошди. Нам сиғими бўйича сезиларли фарқ назорат ва майда тупроқ солинган вариантларда кузатилди. Масалан, назоратда нам сиғими 30-40 см ли қатламда 5,8% га тенг бўлган, 400 т/га солинганда эса 16,4% гача ошган. Майда тупроқ микдорини ошиши нам сиғимига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу қатламда намликнинг ошиши билан бутун профил бўйлаб нам сиғими ортади.

Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, намлик ҳажми нафақат механик таркиб, балки унинг тупроқ тизимидаги қалинлиги ва жойлашганлигига ҳам боғлиқдир. 1998 йилда намлик ҳажми 0-40 см қатламда 40 см чуқурликда ҳайдаш ва 1000 т/га майда тупроқ қўлланилган вариантда ўртача 11,9% ни, майда тупроқнинг 30-40 қатламида - 22,5% ни, майда тупроқнинг қўлланилган вариантда 70 см ли ҳайдалганда 0-50 см қатламида ўртача 12,16% ни ташкил қилди, 60-70 см қатламида – 24,8% (1-расм).

Дала нам сиғими экраннинг жойлашиш чуқурлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Экран жойлашиш чуқурлиги 0-110 (130) см бўлган вариантда 0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50, 50-60, 60-70, 70-80, 80-90, 90-100, 100-125, 125-150 қатламларда дала нам сиғими 4,1; 4,8; 5,7; 6,1; 6,3; 6,5; 7,7; 7,8; 11,5; 17,6; 17,7; 18,0% ни ташкил этди.



1-расм. Табиий экранли текисланган қумларнинг дала нам сиғими.

Диссертациянинг “Қумдаги табиий ва сунъий экранлар озика элементларининг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири” деб номланган бешинчи бобида тупроқ қалинлигининг юзага қараб 0-50 (75) см

гача ортиб боришида нам сиғими 6,0; 6,1; 13,3; 14,9; 18,3; 19,0; 21,3; 21,7; 22,0 ва 22,0% ни ташкил этиши келтирилган. Нам сиғимининг бир текисда ошиб бориши экран жойлашиш чуқурлиги 0-70 (90), 0-90 (110) см бўлган вариантларда ҳам кузатилди. Буларнинг барчаси озиқа моддаларининг ювилишига таъсир кўрсатади.

Қумларда ўтказилган лаборатория тажрибалари натижалари шундан далолат берадики, нитратли азотнинг энг кўп миқдори биринчи суғоришда олиб чиқилган. Ушбу кўрсаткич экрансиз вариантыда 2,27-2,36 г/л атрофида бўлган. Энг оз чиқариш 70 см чуқурликда бўлган экранни ташкил қилган вариантыда аниқланган – 0,91 г/л, ерни 40 см га ҳайдаш вариантыда азотни 70 см га ҳайдаш вариантига қараганда юқори бўлди, лекин назоратдагига қараганда анча озроқдир.

Суғориш сувларидаги нитратли азот миқдори 2 ва 3 суғоришдан сўнг сезиларсиз миқдорда аниқланган.

Шундай қонуният суғориш суви орқали аммиакли азот чиқиб кетишида кузатилди, аммо кўрсаткич анча камроқ. У 0,673-0,142 г/л атрофида ўзгариб турган.

Ҳаракатчан фосфор жуда оз миқдорда аниқланган. Унинг энг кўп чиқиши назоратда - 0,0008 г/л, энг кўпи майда тупроқни 0-70 см ҳайдаш вариантыда белгиланди – 0,00028 г/л. Бу фосфорни тупроқда янада мураккаб бирикмаларга ўтишидан далолат беради.

Суғориш сувларида калий миқдори 0,988-0,789 г/л ҳолатда ўзгариб турди. Озиқа элементларининг чиқиб кетиши сувнинг ортиши билан ошади.


Сунъий экранли тажриба майдонларида озиқа элементларининг энг кам миқдори назоратда аниқланди. Майда тупроқни солиш натижасида тупроқ кесими бўйлаб озиқа элементлар миқдори кўпаяди. Ушбу кўпайиш майда тупроқнинг меъёрига тўғри пропорционалдир. Озиқ элементларнинг энг кўп миқдори 1000 т/га майда тупроқни солиш вариантыда белгиланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, яратилган экран озиқа моддаларини сақлаб қолувчи пленка вазифасини ўтаган.

Тупроқ механик таркибининг ўзгариши ғўзани илдиз тузилишига таъсири ўрганиб чиқилди. Майда тупроқни 400, 600, 800 ва 1000 т/га солиш (40 см чуқурликка) ҳайдаш остидаги қатламида ташкил қилинган сунъий экран нафақат тупроқ профилининг тузилишига, балки тупроқ профилининг морфологияси, физик, кимё хусусиятларини ўзгартиради, бу эса ўз вақтида ғўзани илдиз тузилиши фаолиятига таъсир қилади. Ушбу вариантларда ғўза илдиз тизимининг морфологик тузилиши худди шундай бўлган назорат вариантыдагидан фарқ қилади.

Айрим ҳолларда асосий илдиз бир томондан ташкил қилинган экрангача етиб бормади ва ёйилади. Бу сунъий экран сув ва озиқланиш режимини тартибга солади деганидир, шу сабабли айрим илдизлар йўналиши, тузилишини ва ҳаракатини ўзгартиради (2-5 расмлар).

Илдиз тизимининг ривожланишига экранни ётиш чуқурлиги ҳам катта таъсир қилади. Қумда сунъий экранни ташкиллаш ғўза ҳосилдорлигига ва илдиз тизимига ижобий таъсир кўрсатди.



Назорат вариантыда ўртача 3 йил мобайнида ҳосилдорлик 8,4 ц/га ни ташкил қилди. 400 т/га майда тупроқ солинганда 40 см чуқурлигида ҳосилдорлик 9,8 ц/га кўтарилди, 600 т/га солинганда – 11,7 ц/га ча майда тупроқ меъёрини 800 т/га гача кўтарилганда ҳосил 15,5 ц/га гача ошди, 1000 т/га майда тупроқ солинганда – 17,5 ц/га гача ошди. Айтиш керакки, 70 см чуқурликда экранни ташкил қилиш 40 см га қараганда анча самаралидир. Шундай қилиб 3 йил ичида ўртача ҳосилдорлик 400 т/га майда тупроқ солинган вариантыда 16,6 ц/га ни ташкил қилди, унинг меъёрини 600 т/га гача оширишда ҳосилдорлик 20,7 ц/га гача ошди, 800 т/га – 22,5 ц/га, 1000 т/га майда тупроқ солишда ҳосилдорликнинг юқорига кўтарилганлиги - 25,5 ц/га кузатилди. Пахта ҳосилдорлигини оширишига 70 см ҳайдалган майда тупроқ вариантыда қумнинг энг яхши сув-физик хусусиятлари ва озика режимини кўрсатиш мумкин.

Пахта ҳосили табиий экран чуқурлиги ва минерал ўғитлар нормасига тўлиқ боғлиқдир. Энг оз ҳосил озиқа моддаларни N-350, P₂O₅ -250, K₂O -170 кг/га меъёрида 0-110 (130) см тупроқ қавати вариантида олинган. Ўшандай N ва K меъёрида, лекин фосфорни 200 кг/га гача оширишда, ўртача ҳосилдорлик 20 ц/га ни ташкил қилди, N ни 350 кг/га га кўтаришда - 21 ц/га ни ташкил қилди. Энг кўп ҳосилдорлик ушбу ҳолатда N-350, P₂O₅ -250, K₂O -170 кг/га меъёрида - 22,2 ц/га да олинди. 0-90 (100) см чуқурликда табиий экран ётишида пахта ҳосилдорлиги озиқланиши шароитга мувофиқ 19,6; 21,7; 22,5 ва 23,6 ц/га гача ошди. Бундай ҳосилдорликни 0-70 (90) см экранли ётиш чуқурлиги бўлган ҳамма вариантларда 20,6; 22,7; 24,3 ва 25,5 ц/га гача белгиланди. Ҳосилдорликнинг энг катта ошиши тупроқ ётишининг 0-50 (75) см чуқурлигидаги ҳамма вариантларида 28,8; 32,2; 33,7 ва 35,8 ц/га гача кузатилди.


Диссертациянинг **“Текисланган дўнг-барханли қумларда пахта ҳосилдорлигини ошишининг ўғит меъёрларига боғлиқлиги”** деб номланган олтинчи бобида қишлоқ хўжалик экинларни юқори ҳосилдорлигини таъминлашда, тупроқни ҳақиқий қобилятини баҳолашда, ўсимлик учун қулай шаклларда озиқа моддалар миқдори муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган. Шунинг учун азот, фосфор ва калий миқдори ва ҳаракатчан шаклларнинг кўпайишига имкон берадиган тупроқларнинг агрокимёвий таҳлили қумлардан ҳамда ўғитлардан тўғри фойдаланишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўғитлар меъёрида нитратли азот ўсишига боғлиқлиги ҳақидаги тадқиқотларимиз натижалари 6-расмда келтирилган.

Ўғитланган вариантлардаги қумда нитратли азот миқдори ўғитларни солиш нормасига тўғридан – тўғри боғлиқдир. Фосфорли ва калийли ўғитлар муҳитида 150, 200 ва 250 кг/га нормада азот қумни метрли қатламида нитратли азот миқдорида анча фарқни ташкил қилади. Ушбу фарқ ўсимлик ўсиш ва ривожланишининг ҳамма давларида белгиланди. Шундай қилиб, 2-4 чин баргларда қумнинг бир метрли қатламида нитратли азотнинг миқдори N-250, P₂O₅-175, K₂O-125 кг/га меъёрида 15,1 ни ташкил қилди, шоналашда – 11,8 ни, гуллашда – 15,7, ўсув даври охирида – 8,6 мг/кг ташкил қилди. Нитратли азот миқдори N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га + 40 тонна гўнг ишлатишда 15,4, 11,7; 17,2; ва 9,0 ташкил қилди; ушбу шароитда минерал ўғитлар + 60 тонна лигнин 14,6; 11,1; 15,2; ва 8,5 мг/кг қумни ташкил қилди.

Қумли қатламида нитратли азот миқдорининг энг кўпи минерал ўғитлар (N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га) + 40 т/га гўнг солинган шароитда ишлатилиши белгиланди (6-расм).


Тажриба вариантларида нитратли азот мавсумий ўзгаришини ўрганиш минерал ўғитларни солиш меъёрига карамай нитратлар миқдори баҳордан ёзгача кўпаяди, 2-4 чин барглар ва гўзанинг гуллашида энг юқорисига етиб боришини аниқлашга имкон берди. Тупроқда ўсув даври охирида нитратлар миқдори камаяди, бу харорат омиллари, микробиологик фаолиятини сустлашиши ва ўсимликлар томонидан нитратларни умумий сўриб олиш билан изоҳланади. Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари текисланган дўнг-барханли қумлардаги ишлатиладиган фосфорли ўғитлар меъёрини ошириш

билан қумни 0-30 см қатламида ҳаракатланувчи фосфор миқдори ошади, деб кўрсатилган.



6-расм. Қумда нитратли азот динамикасининг ўғитлар меъёрига боғлиқлиги

Баҳорда ғўзада 2-4 чин барг ҳосил бўлганда 105, 104, 175 кг/га меъёрида фосфорли ўғитлар солингандан сўнг 0-50 см чуқурликда қумда ҳаракатланувчи фосфор миқдори солинаётган фосфорли ўғитлар меъёрига мувофиқ қумни 1,4; 1,7; 11,0; 13,3; 14,3; 9,9; 10,3; 14,7; 14,0; 9,1; 13,5; 17,5; 16,4; 10,3 ва 11,8; 13,5; 12,0; 10,0 мг/кг гача кўтарилди (7-расм).




7-расм. Қум-тупроқларда ҳаракатчан фосфор динамикасининг ўғитлар миқдорига боғлиқлиги

Худди шундай қонуният қумдан ҳаракатланувчи фосфорлар миқдори ўзгаришида ҳам дала, вегетацион тажрибаларида тадқиқотларнинг ҳамма йилларида ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва ўсув даври охирида қайд қилинди.

Тупроқда ҳаракатланувчан фосфорнинг энг кўп миқдори 40 т/га гўнг ва 60 т/га лигнин ишлатилган жойларда минерал ўғитлар шароитида қўллаш вариантларида қайд этилган. Ёғзани ўсув даври охирида фосфор миқдори кескин тушиб кетди, бу ўсимликлар томонидан фосфорнинг генератив

органларга ўтиши, иқлим омиллари ва микроорганизмларнинг биологик фаолиятининг сустлашиши билан тушунтирилади.

